



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 04 | pp. 312-318 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ОБОДОНЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ



**Хайитов Жамшид Холвоевич**

“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси асистенти.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

Ўзбекистон.

[jamshidhayitov@sies.uz](mailto:jamshidhayitov@sies.uz).

**Жўраев Мадамин Иқтисодиёт факултети,  
ИК- 321 - гурӯҳ талабаси**

**Рахмонов Жавохир Иқтисодиёт факултети, ИК-  
321- гурӯҳ талабаси**

**Аннотация** ушбу мақолада ободонлаштириш хизматларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, қаттиқ майший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш соҳасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳали ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжудлиги ҳамда ушбу муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги бўйича таклифлар ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** қаттиқ майший чиқинди, хизмат қўрсатиш, ободонлаштириш хизматлари, ободонлаштириш бошқармалари, замонавий маҳсус техникалар, экология, санитария, атроф- муҳит, аҳоли саломатлиги.

### УСЛУГИ БЛАГОУСТРОЙСТВА ВЛИЯНИЕ УСЛУГ НА РАЗВИТИЕ НАШЕЙ ЭКОНОМИКИ

**Хайитов Джамшид Холвоевич**

- Ассистент кафедры цифровой экономики.

Самаркандинский институт экономики и сервиса. Узбекистан.

[jamshidh479@gmail.com](mailto:jamshidh479@gmail.com)

**Жураев Мадамин** – студент экономического факультета, ИК-321 – группы. Самаркандинский институт экономики и сервиса.

**Рахманов Жавохир** - студент экономического факультета группы ИК-321. Самаркандский институт экономики и сервиса.

**Аннотация** В данной статье особое внимание уделено услугам по благоустройству, даны предложения и рекомендации по существованию ряда нерешенных проблем в дальнейшем развитии частного предпринимательства в сфере организации перевозки ТБО и их использования, а именно: а также важность удаления этим проблемам особого внимания.

**Ключевые слова:** твердые бытовые отходы, сервис, услуги по благоустройству территории, отделы по благоустройству, современная специальная техника, экология, санитария, окружающая среда, здравоохранение.

## **IMPACT OF DEVELOPMENT SERVICES ON THE DEVELOPMENT OF OUR ECONOMY**

**Khayitov Jamshid Kholvoevich**-Assistant of the Department of Digital Economics. Samarkand Institute of Economics and Service. Uzbekistan. [jamshidh479@gmail.com](mailto:jamshidh479@gmail.com)

**Juraev Madamin** - student of the Faculty of Economics, IK-321 - group. Samarkand Institute of Economics and Service.

**Raxmanov Javoxir** is a student of the Faculty of Economics, group IK-321. Samarkand Institute of Economics and Service.

**Abstract** This article pays special attention to improvement services, provides suggestions and recommendations on the existence of a number of unresolved problems in the further development of private entrepreneurship in the field of organizing the transportation of solid waste and their use, namely: as well as the importance of paying special attention to these problems.

**Key words:** solid household waste, service, landscaping services, improvement departments, modern special equipment, ecology, sanitation, environment, healthcare.

### **Кириш**

Бутун дунёда кузатилаётган иқтисодий глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши, ижтимоий соҳалардаги трансформацион ўзгаришлар ва ностандарт ижтимоий-иктисодий шароитларни эътиборга олган ҳолда ободонлаштириш хизматларини ривожлантириш уйлаймизки бугунги давр талабидир. Ободонлаштириш хизматлари ходимларига бюджетдан ажратмалар, компенсациялар, қўшимча устамалар ажратиш орқали ушбу тизим фаолиятини янада такомиллаштиришга эришиш мумкинлиги ҳеч биримизга сир эмас. Ушбу тизимда фаолият олиб бораётган ишчи ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат ҳақининг паст эканлиги, ҳамда тизим хизматчиларнинг меҳнатлари иш

юкламасидан ортиқ әканлиги бизнингча ечимини қутиб турган муаммоларга бағишиланган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилишини тақозо қилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 4 июнда қабул қилган “Аҳоли пунктларини ободонлаштириши соҳасида ишлар самарадорлигини оширишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4351-сон қарори“га эълон қилинди, уибу қарорга биноан, мамлакатдаги мавжуд шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар массивлари ва қишлоқ аҳоли пунктларига замонавий қиёфа баҳи этиши масаласи илгари сурилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 майдаги 183-сон қарори қабул қилиниб ушбу қарорда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартибида тўғрисидаги низомни тасдиқлаш масалалари илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги «Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 315-сонли, ҳамда 2021 йил 31 августдаги 553-сон қарорлари мамлакатимизда ушбу хизмат турига алоҳида эътибор қаратилаётганинига дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони ҳамда «Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 25 октябрдаги ПК-409-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинди ҳамда чора-тадбирлар режалари белгилаб олинди.

Юқорида келтирилган вазифалардан кўриниб турибдики, ободонлаштириш хизматлари доирасидаги илмий тадқиқотлар ушбу йўналишда бажарилиши жоиз бўлган мухим вазифалардан бири, шу сабабли илмий нашрлар ичида ўз ўрни ва аҳамиятига эга ҳисобланади. Аммо хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ободонлаштириш хизматларининг сифати, самарадорлиги, шу билан биргаликда тизим фаолиятини тўғри ташкил этиш механизmlарини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар тадқиқотлар доирасидан четда қолган. Хусусан, хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ободонлаштириш хизматлари қўрсатувчи корхоналарда банд бўлган ишчиларнинг хизматини баҳолаш услублари, ушбу соҳага таъсир этувчи омилларини аниқлаш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотни амалга оширишда ободонлаштириш хизматларининг миллий иқтисодиётнинг бир бўғини сифатидаги ривожи молиявий-иктисодий қўрсаткичларини иқтисодий-математик усуллар орқали таҳлил қилиш натижасида хуносава таклифлар шакллантирилган. Бундан ташқари илмий тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез усулидан ҳам самарали фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимизнинг шаҳарлари ва қишлоқларидағи аҳоли пунктларида мавжуд бўйган аҳоли сони, иқлимий, жуғорфий ва бошқа ижобий ва салбий шароитлардан қатъий назар ўзлари учун зарур бўйган санитария-гигияни шароитларни ва аҳолининг меҳнати, майший турмушки ҳамда дам олишлари учун зарур қулайликларни юксак даражада таъминлашлари учун ободонлаштириш хизматларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли пунктларининг санитария жиҳатдан тозалигини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2014-2016 йилларда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармаларини замонавий маҳсус техникалар билан таъминлаш дастурлари амалга оширилди. Ана шу дастурлар доирасида 1427 та техника воситаси харид қилинган бўлса, уларнинг 990 таси майший чиқиндиларни ташиб кетадиган автотранспортлардир. Мамлакатимиз шаҳар ва туман марказларидағи турар жой мавзеларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида 14 мингдан ортиқ чиқинди тўплаш пункти ташкил этилди ва 10 мингдан зиёд контейнер ўрнатилди.

Комплекс тадбирлар ва дастурларни амалга оширишга давлат бюджетидан 343,1 миллиард сўм йўналтирилди ва тижорат банкларининг 20 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари жалб этилди.

Истеъмолчиларга санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари кўрсатиш бўйича норматив-хукуқий база такомиллаштирилди. Ҳукумат қарорлари асосида майший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидалари, санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ майший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатадиган участка ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рафбатлантириш тартиби тўғрисида низом ва бошқа бир қатор норматив хужжатлар тасдиқланди.

Шу билан бирга, қаттиқ майший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш соҳасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳали ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Қаттиқ майший чиқиндиларни ташиб кетиш ишларини ташкил этиш масаласи, аввало, бундай чиқиндиларни тўплаш, утилизация қилиш ҳамда қайта ишлаш бўйича аниқ ва амалий тизимни йўлга қўйишини талаб этади. Ҳозирги вақтда чиқиндилар тўпланадиган мавжуд полигонлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена меъёрларига тўлиқ жавоб бермайди. Аксарият жойларда чиқиндилар тартибсиз равишда тўпланадиган пунктлар ҳамон сақланиб қолмоқда ва улар туташ худудларнинг санитария-эпидемиология ҳолатини ёмонлаштириб, юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалишига шароит яратмоқда. Бу борадаги энг муҳим вазифа ва муаммолар инобатга олинган ҳолда қабул қилинган Президент қарори мамлакатимиз туман ва шаҳарларининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, 2017 - 2021 йилларда чиқинди билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантиришни янада кучайтиришга қаратилган.

Жумладан, мазкур қарор билан қуидаги дастур ва лойиҳалар тасдиқланмоқда:

2017 - 2021 йилларда чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тадбирлари;

2017 йилда мамлакатимиз шаҳарларидағи санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармаларига 237 та маҳсус техника харид қилиш, 94 та гараж қуриш, қаттиқ майший чиқиндилар учун 168 та әлак қурилмалари ўрнатиш режа кўрсаткичлари;

Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Наманган шаҳарларида йирик лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олган, 2017 - 2021 йилларда халқаро молия ташкилотларининг 161 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағларини жалб этган ҳолда шаҳарларда чиқиндиларни тўплаш, ташиб кетиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари рўйхати;

114 минг погон метр тўсик, 152 та санитарияузели, 158 та майший хона, 163 та автомобилларни ювиш жойи, 269 километр электр таъминоти тармоқлари, 166 та техник сув таъминоти қудуғи ҳамда 240 километр асфальтланган кириш йўлларини қуриш орқали қаттиқ майший чиқиндилар тўпланадиган 168 та полигонни ободонлаштириш манзилли дастури;

2017-2018 йилларда қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлайдиган технологияларни жорий этиш прогноз кўрсаткичлари, жумладан, келгуси икки йилда Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини қуриш кўзда тутилиб, мазкур лойиҳаларга 27 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилган. Ана шу комплекс чоратадбирларни амалга ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари учун янада қулай ижтимоий шароитлар яратилади.

Хизматлар тизимида ободонлаштириш хизматларининг ўрни, турлари, кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини баҳолаш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлашнинг назарий жиҳатдан ўрганиш шу билан биргаликда яширин иқтисодиётни оддини олиш бу ечимини кутиб турган вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз. Ободонлаштириш хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг иш ҳажми уларнинг мавжуд имкониятларидан 3-4 марта юқорилиги, уларнинг иш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Эътибор қаратишимииз лозим бўлган асосий вазифалардан бири сифатида ободонлаштириш хизмати ходимларининг иш юклamasи ҳаддан ортиқ эканлигидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича 201 та ободонлаштириш бошқармалари мавжуд бўлиб, уларда жами 52,252,5 та штат бирлиги (ўрганиш вақтида бўш иш ўринлари сони 1,468 ёки 2,8 %) жорий этилган.

Белгиланган меъёрларга мувофиқ 1 ходимнинг 1 кунда худудларни тозалаш майдони  $3,500 \text{ m}^2$  ташкил этиши лозим, бироқ амалда ўртача юклама  $9,997 \text{ m}^2$  ташкил этиб, ўрнатилган меъёрдан деярли 3 маротаба ошади.

Шунингдек, кўчаларни ёритиш нуқталарининг ишлаш ҳолатини таъминлаш билан шуғулланувчи ходимларга ҳам ҳаддан зиёд катта юклама тўғри келади.

Меъёрга мувофиқ, 1 ходим 1 кунда ўртача 500 та ёритиш нуқталарини айланиб чиқиши ва яроқсиз ҳолдаги ёритиш лампаларини алмаштириши лозим. Бирок, амалдаги ўртача юклама 850 та ёритиш нуқтасини яъни, ўрнатилган нормадан деярли 1,5 марта ортиқни ташкил қиласди.

Юқоридаги маълумотларни жамлаб айтадиган бўлсак бугунги кунда майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш юртимизда иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш билан биргалиқда, экология, санитария, атроф-муҳитни янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркам қиёфа касб этишини таъминлаб беришда ниҳоятда зарур хизмат туридир.

Мамлакатимиз иқтисодиётин юқори ўсиш тенденциясининг тез суръатларда ривожланишда давом этиши, худудларимизда ободонлаштириш хизматлари кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлашни ҳамда янгидан - янги ғоялар кенг жорий этишини кутиб турган долзарб соҳалардан бири эканлигини таъқдлашни муҳим вазифаларимиздан бири сифатида кўрсатиб ўтишни жоиз топдик.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. "Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2013 йилдаги 4-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги ПҚ-3182-сонли Қарори, Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида. <https://lex.uz/docs/3302438>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. (2020 йил 24 январь). [https://nrm.uz/contentf?doc=612868\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasi\\_presidenti\\_shavkat\\_mirzievning\\_oliy\\_majlisga\\_murojaatnomasi\\_\(2020\\_yil\\_24\\_yanvar\)](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_presidenti_shavkat_mirzievning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar))
4. Б.А. Ходжаев (раис), А.Р. Тохтаев, Ш.Т. Шоназаров, Х.Х. Очилов. Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш" / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009-177 б.
5. Хмельченко, Е.Г. Роль управления благоустройством территории в формировании имиджа города / Е.Г. Хмельченко, К.И. Заец // Вестник университета. – 2017. – № 4. – С. 38–42.
6. Конышева, Л.А. Благоустройство территории муниципального образования как метод повышения качества жизни населения / Л.А. Конышева // Фундаментальные и прикладные исследования: проблемы и результаты: материалы Международной конференции. – 2017. – С. 552–556.
7. Khayitov, J. (2023). Improving The Organization Of Landscaping Services–Time Requirements. Science and innovation, 2(A1), 137-140.
8. Kholvoevich, H. J. (2022). Services In The Development Of The Network Of The Landscaping System. International journal of trends in business administration, 12(1).

9. Хайитов, Ж. Х. (2022). ОБОДОНЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ-ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА РАВНАҚИ УЧУН ЗАРУР. Журнал Инновации в Экономике, 5(3).
10. Norkulova, D., & Xayitov, J. (2023). Iqtisodiyot, atrof-muhit, jamiyat va madaniyat o'rtaqidagi muvozanatga-obodonlashtirish xizmatlarining ta'siri.
11. Kholvoevich, H. J. (2023). THE IMPORTANCE OF THE DEMAND FOR LANDSCAPING SERVICES IN ECONOMIC DEVELOPMENT. Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595), 3(6).
12. <https://lex.uz/docs/6396146>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

